

**Ургут тумани ҳокими Маматжон Муқимович Турдиевнинг Бразилияда  
ўтказилган 15-Паралимпия ўйинлари қатнашчиси олтин медаль совриндори  
Негматов Ўткиржон Исматилло ўғли билан учрашувдаги  
М А Ъ Р У З А С И**

**Ассалому алайкум!**

**Ҳурматли дўстлар!**

**Азиз ургутликлар!**

Ҳаммамизга маълумки, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг асл фарзанди Ислоҳ Абдуғаниевич Каримовнинг раҳномалигида **Ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши даражасига** кўтарилди.

Шу мақсадда Истиклолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб Республикамизда жисмоний тарбия ва спортни раванқ топиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

Бу эса бугун ўзининг бекиёс самарасини бермоқда. Бундай самарани Бразилияда ўтказилган навбатдаги ёзги Олимпиада ва Паралимпия натижаларида ҳам яққол кўрамиз.

21-Ёзги Олимпия ўйинларида мамлакатимиз спортчиларининг 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза медалларини қўлга киритганлиги барча Ўзбекистонликларни қувонтириб, уларнинг қалбини қувончга тўлдирди.

Бундан руҳанланган Паралимпиячиларимиз эса **“Ўзбекистонлик спортчилар ҳеч кимдан кам эмас”**-дея баҳсга киришдилар. Баҳслар давомида Мамлакатимиз биринчи Президентининг **“Маррани доимо баланд қўйиб яшанг, азиз болаларим, давр бизники, марра бизники!”**-деган насиҳатлари уларнинг қулоқлари остида жаранглаб акс-садо бериб, уларни маънан озиклантириб турди.

Оллоҳнинг инояти ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, жисмоний имконияти чекланганларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шарт-шароит яратган, улуғ инсон Ўзбекистон Республикасининг биринчи **Президенти Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов руҳининг қўллаганлиги** туфайли 15-Паралимпия ўйинларида иштирок этган 32 нафар спортчиларимиздан 31 нафари, эътибор қилсак, деярли барчаси олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлганлиги **ҳаммамизнинг қалбимизга қувонч бағишлади.**

Унда қатнашган спортчиларимизнинг 176 та давлатнинг орасида Мустақилликка эришганлигига тарихан қисқа муддат 25 йил бўлганлигига қармасдан **Ўзбекистонлик спортчилар 16-ўринни** эгаллаши, **Марказий Осиё** мамлакатлари орасида **биринчи ўринни**, **Мустақил Ҳамдўстлик Мамлакатлари** орасида эса Украинадан кейин **2-ўринни** эгаллаши, Дунё харитасида ўзининг ўрнига эга бўлган, **Осиё қитъасида** буюк девори билан дунёда машҳур бўлган Хитой ва Эрон давлатларидан сўнг **3-ўринни** эгаллаганлиги **қалбимизни ғурурга тўлғазади.**

Айниқса дюздочиларимиз 3 та олтин, 1 та кумуш, 6 та бронза медалларни қўлга киритиб **спортнинг бу тури бўйича курраи заминда биринчиликни қўлга киритганлиги Ўзбекистонни яна бир карра оламга машҳур қилиши эмас-ми ?**

Мен, Ўзбекистоннинг бир фуқароси ҳамда туман раҳбари сифатида Паралимпия ўйинларини кузатиб, ойнаи жаҳонда **Паралимпия ўйинларининг биринчи кунининг ўзидаёқ Ургутлик фарзандимиз Негматов Ўткирнинг олтин медални қўлга киритиб, Ўзбекистон байроғини кўтарганлигини кўргандан ҳаяжонимни жиловлай олмасдан қолдим. Ҳаяжонли шу дамда менга бўлган кўплаб телефон орқали табрикларидан бу зафар Мустақил Ўзбекистонликлар қаторида барча ургутликларнинг ютуғи эканлигини чин дилдан ҳис қилдим.**

Ушбу улуғ минбардан мамлакатимиз, вилоятимиз, туманимиз, қолаверса Ўроқбойжар маҳалласи номини бутун оламга танитишга ҳисса қўшган Ўткир Негматовга барча уругликлар номидан самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Шу ўринда уни мана шундай таниқли инсон бўлиб етишишида ўзининг бир умрлик оромини бузиб, фарзандининг келажагини ўзининг тақдири деб билган онаси **Олимова Гулистон Облоқуловна** ва **“Маҳалла ҳам отанг, ҳам онанг”** –нақлига амал қилган Ўткиржоннинг шундай даражага етказган **барча Ўроқбойжарликларга** туман ҳокимлиги ва барча Уругликлар номидан миннатдорчилик билдираман.

Олтин медал соҳиби Ўткиржоннинг меҳнатлари давлатимиз томонидан тақдирланганлигидан ҳаммамиз яхши хабардормиз.

Унга **Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшганлиги учун** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 сентябрдаги Фармони билан **“Ўзбекистон ифтихори”** фахрий унвони берилганлигидан шояд хурсанд ҳолда унинг келгусида Мустақил юртимиз қаторида **биз Уругликларнинг ҳам ифтихори сифатида** бунданда буюк, бунданда юксак марраларни эгаллаб юришини барчамиз ва барчангиз номидан тилайман.

Энди **Ўткиржон Негматовга** туман ҳокимлигининг совғасини топширишга рухсат бергайсизлар!